

15-avgust
2024-yil 33 (1083)



АХСХР

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETASI

**ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ:**

– Баҳодиржон ўғлим,
қаҳрамон ўғлим,
ушбу тарихий
ғалабанг билан сени чин
қалбимдан
табриклайман!
Энг оғир вазнда
дунёда тенгсиз эканлигингни
яна бир бор исботладинг!
Бу биз учун жуда катта фахр,
ифтихор ва ғурур бағишлайди!

(Париж Олимпиадаси голиб ва
совриндорлари билан телефон
орқали мулоқотдан)

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlar_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



БИР БЎЛСАК — ЯҒОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА

Улар нафақат Ватанимиз, балки
бутун минтақа, туркий халқлар ва мусулмон
олами шаънини муносиб ҳимоя қилиб,
206 та давлат орасида умумжамоа ҳисобида
13-ўринни эгаллашди. Шунингдек,
Осиё қитъасида тўртинчи, МДХ мамлакатлари
орасида биринчи бўлишди.

3



Баҳодирнинг
кўз ёшлари



Тўлқин Қиличев,
бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси
бош мураббийи:

Баҳодир – терминатор!
Бунинг ортида мамлакатимиз шаъни,
манфаати турибди.

6

ОЛТИ ЮЗ МИНГ АҲОЛИ БИЗНЕСГА ЖАЛБ ҚИЛИНДИ



2



4

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚДАН ҲАМ ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

Динмуҳаммад Бимурзаев депутатликка
киришган даврда қишлоқдаги спорт
залининг аҳволи хароб эди. Бугун эса ушбу
тадбиркор-депутатнинг саъй-ҳаракати ва
ҳомийлиги остида спорт залида 310 миллион
сўмга тенг қийматда қайта таъмирлаш
ишлари олиб борилиб, керакли инвентарлар
билан тўлиқ таъминланди.



5

ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН МАРВАРИДЛАРИ

Шинжон-Уйғур автоном райони ўтган
йили хавфсиз сайёҳлик маскани сифатида
рекорд даражада, яъни 265 миллион
кишини қабул қилибди (солиштириш
учун: 2012 йили бу кўрсаткич 48,6 миллион
бўлган).

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА



ОЛТИ ЮЗ МИНГ АҲОЛИ БИЗНЕСГА ЖАЛБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7-9 август кунлари Қозоғистон Республикасига давлат ташрифининг аҳамияти муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан бир-бирига яқин қардош, асрлар давомида синалган шериклардир. Бизни умумий тарихимиз, маданий ҳамда маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бирлаштириб туради. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар янги динамика ва мазмунга эга бўлиб бормоқда.

Хусусан, икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Қасим-Жомарт Тоқаевнинг қатъий сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама алоқа-

ларнинг барча йўналишларида ўзаро муносабатлар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон Республикасига бу галги ташрифи икки томонлама муносабатларни барча йўналишларда, шу жумладан, парламентарлараро алоқаларнинг жадал ривожлантиришда ҳам янги имкониятларни очиб беришга хизмат қилди.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари мазкур ташрифнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, унинг доирасида қатор соҳаларда муҳим келишувлар имзолангани давлатларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга чиқиши ва ҳамкорлик кўлами янада кенгайишига замин яратишини таъкидлашди.

Йиғилишда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2024 йил биринчи ярим йиллигида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Файрат АБДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Ҳисоботни кўриб чиқиш давомида партия мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат дастурининг миллий иқтисодий ташаббуслари жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширган ишларига алоҳида эътибор қаратдик.

Бу даврда ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,4 фоизга, sanoat 7,8, қурилиш 10,1, хизматлар 12,9, қишлоқ хўжалиги эса 3,8 фоизга ўсган. Давлат бюджети даромадлари эса 120,9 трлн сўмга етиб, 14 фоизга кўпайган.

Тадбиркорлик фаолияти учун 82 триллион сўм кредит ва 15,5 триллион сўм субсидия берилиб, 600 минг аҳоли бизнесга жалб қилинган. Берилган энгиллик ва имтиёзлар ҳисобига тадбиркорлар ихтиёрида 56,3 триллион сўм маблағ қолган.



Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

– Қайд этилган даврда ёшлар сиёсати соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 48 минг нафар ёшларга 856,5 млрд сўм имтиёзли кредит ажратилган. 32 минг ёшлар касб-хунарга ўқитилган ва бандлиги таъминланган. Мунозаралар давомида фракциядошларимиз дастурда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳоладим.

Шу билан бирга, айрим масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва саволлар беришди. Хусусан, фракция аъзоси Нодир Абдувалиев давлат дастурида белгиланган вазифаларга тўхталиб, умумий ўрта таълимни ривожлантириш учун хусусий секторни кенг жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар билан қизиқди.

Ушбу масала юзасидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари Усман Шарифходжаев батафсил тушунтириш берди. Унинг айтишича, бугунги кунда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Йил якунига қадар эса яна 12 та нодавлат умумтаълим ташкилотларини очилиши режалаштирилган.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Баҳром Раҳмоналиев эса дастурда мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги умумтаълим мактабларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда умумтаълим мактабларининг санитария-гигиена инфратузилмасини босқичма-босқич ошириш белгилангани-



ни айтиб, бу борада қандай ишлар бажарилаётганини сўради. Вазирнинг биринчи ўринбосари У. Шарифходжаев мазкур масала юзасидан вазирлик томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида кенгроқ маълумотлар бериб ўтди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари давлат дастурининг ҳар бир бандида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар турганини айтиб, уларнинг ижросини ўз вақтида, сифатли таъминлаш бўйича қатор таклифларни илгари суришди.

Муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурини 2024 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси юзасидан ҳисоботи маъқулланди.

Нурхон ЭЛИМРАЗЕВА,
“XXI asr” мухбири

МУЛОҚОТ

ЖИДДИЙ СИНОВЛАР ОЛДИНДА



Одамлар дарди, депутатлик мақоми ва масъулияти, сайловчининг ҳар доим ҳақ эканлиги... Бу каби оддий тилсимотлар ҳар биримизни чуқур ўйга толдиради. Ҳар гал кузатаман: Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгаши депутатлари тўпланиб, бирор жиддий масалани муҳокама қилишдан аввал ўзбекна илтифот устунлик қилиб туради. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Тадбиримизда O'zLiDeP етакчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хайтов келганини эшитиб қувондик. Чунки мулоқотимиз янада жонли бўлиши табиий.

Хуллас, партия лидери шу йил 27 октябрда бўлиб ўтадиган Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови арафасида Фарғона вилоятига уюштирилган сафари баҳонасида бизлар билан учрашди. Аввалроқ Кува ҳамда Учкўприк туманларида бўлиб, омилкор деҳқон ва боғбонлар билан самимий мулоқотда бўлганини маслақдошларимиз мамнуният билан сўзлаб беришди.

Айниқса, “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида партия фаоллари, депутатлар, жамоатчилик вакиллари, нуроний ва фахрийлар, тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, фермерлар, томорқа ер эгалари ҳамда бошқа турли соҳа вакиллари билан ўтказилган учрашув кўпчилиқда катта таассурот қолдирди. Қолаверса, шу кунги Халқ депутатлари Қўқон шаҳар кенгашининг 77-сессияси ҳам бўлиб ўтди ва унда O'zLiDeP раиси Актам Хайтов ва партияимиз фаоли, Қўқон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов иштирок этиб, кун тартибидagi долзарб масалалар хусусида атрофлича сўз юритди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергия ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси ва

Қўқон шаҳрида “Яшил боғ” ташкил этиш тўғрисида Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари Обидхон Жўраев ва бошқа масъул раҳбарларнинг ҳам сессия кун тартибидagi барча масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Юзма-юз мулоқотлар “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган “Садаф сут” корхонасида ҳам давом этди. Қўқон шаҳар кенгаши депутатлари янгича шаклда ўтиши кутилаётган сайлов ва унинг тарғиботи партиянинг суянган асосий қаноти ҳисобланган ёшларимиз учун барча жабҳаларда яратилган кенг имкониятлар хусусида тўхталиб ўтишди. Давра суҳбатида партиянинг шаҳар кенгаши қошидаги “Ёшлар қаноти” раиси Ж. Эркабоев ҳудудда ёшлар бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди.

– Бугунги кунда бизнинг корхонамизда 120 нафардан ортиқ фуқаролар иш билан таъминланган, – дейди тадбирда сўз олган “Садаф сут” корхонаси раҳбари Сайидқосимхон Қорабоев. – 32 хилдаги сут ва сут маҳсулотларимиз Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги мижозларимизга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Янги Ўзбекистонни бунёд этишда соғлом ва баркамол ёшлар ҳал қилувчи кучга эга эканини ҳар қадамда сезиб, англаб турибмиз.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Қўқон темир йўл техникуми ёшлари касаначилик, ўзини ўзи банд қилиш, Start-Up лойиҳаларни йўлга қўйиш ҳамда партия фаолиятига доир турли саволларига батафсил жавоб олдилар.

Нега ўзимизнинг қадрдон нашримизга партия раҳбари билан кечган қизгин мулоқотлар, йиғилишларда депутатларнинг фаолликка интилаётгани ҳақида имкомим етгунича хабар қилмоққа шошилдим? Чунки яна бир жиддий имтиҳон арафасида турибмиз. Бу шу йил кузда бўладиган сайловга ўзига хос тайёргарлигимиздан нишонлардир. Истагим, ушбу сиёсий куч яна катта сиёсий майдондаги жиддий курашга отланапти. Насиб этса, яна юзимиз ёруғ бўлади!

Авазжон МАЗАИДОВ,
O'zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши депутати

ТАРАДДУД

СИЁСИЙ ҲУҚУВЛАР: ҲУҚИТИЛЯПТИ ВА ҲУҚТИРИЛЯПТИ

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уларни юқори даражада ўтказиш мақсадида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан қизгин ишлар бошлаб юборилган.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон волонтерлари ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув семинарлари шу мақсадда ташкил этилди. “Сайлов жараёнини сифатли ташкил этиш ва волонтерлар билан самарали ишлаш масалалари” мавзусидаги ўқувларнинг конференц-аулоқ тарзида ўтаётгани кенг аудиторияни қамраш, иштирокчиларнинг сайловга оид билим ва тажрибаларини



оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. 15 мингдан ортиқ волонтерлар, Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси аъзолари семинарларда фаол иштирок этишмоқда. Миллий сайлов қонунчилигимиз ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Ўз навбатида, партия ўз аъзоларининг 60 фоизга яқинини ташкил этувчи ёшлар ва кўп сонли волонтерларни муҳим жа-

раёнга кенг жалб қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Шу боис соҳага оид муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда уларнинг имконияту салоҳиятидан унумли фойдаланишда ҳамкорликчи янада кучайтириш юзасидан келишиб олинди.

Насимжон АЛИМОВ,
O'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ОЛИМП ЧЎҚҚИСИДА

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Бундай мисли кўрилмаган тарихий натижалар хусусида ҳаяжонсиз ёзиш мушкул. Юрак қурғур ҳарқиқиб кетаверади. Ахир бу ҳазилакам ғалабалар эмас-да!

Музаффар спортчиларимиз 16 кун мобайнида ҳеч кимга "тинчлик" беришмагани-да рост. Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон яхши маънода шов-шув кўтарди. Нанки мурасасиз баҳслар ва шиддатли беллашуларга киришган йигит-қизларимиз, айна пайтда атайин етиб борган муҳлисларимиз ҳам барчани лол қолдиришди. Дўппи кийган фанатлар қайси арена бўлишдан қатъи назар, фарангу испанлар, амриқою африкаликларнинг эътиборини тортишди. Уларни ҳам рақсга тушиб, бошқаларни ҳам миллий мусиқамизга ўйнатишди.

Жаҳоннинг манамен деган босмаю интернет нашрлари, телерадио каналлари ва энг нуфузли веб-сайтлар Ўзбекистон делегацияси улкан ғалабаларни кўлга киритганини таъкидлашдан чарчамасди. Пироваврида Олимпия ўйинларининг 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза, жами 13 та медали Янги Ўзбекистон фарзандларининг Олимп чўққисига чиқишини таъминлади.

Такрор бўлса-да яна айтаемиз: **8 та ОЛТИН медал!** Буни таъкидлаётганимиз боиси, мустақилликка эришгач, 32 йил ичида саккизта ёзги Олимпия ўйинларида жами 10 та олтин медални кўлга киритган бўлсак, "Париж – 2024"нинг ўзида бирданга 8 та олтинни кўлга киритиш осон кечмаганига ҳаммаимиз гувоҳимиз. Қитъамизда Хитой, Япония ва Жанубий Корея биздан юқорига ўта олди холос. Эркалар ўртасида бокс бўйича 7 та вазн тоифасининг 5 тасига аталган олтин медал Ўзбекистонга олиб келинганининг ўзи нақадар катта аҳамиятга эга эканини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Тенгсиз, мурасасиз мусобақаларда уч нафар спортчимиз – Улуғбек Рашитов, Ҳасанбой Дўсमतов ва Баҳодир Жалолов икки карра Олимпияда чемпиони деган юксак шарафли унвонга сазовор бўлди! Бунгача битта ҳам дубль йўқ эди. Кўп карра чемпионларнинг борлиги мамлакатда

қизларимиз ёзги Олимпия ўйинларида олтин медалга сазовор бўлди. Биринчи марта дзюдочиларимиз 3 та, таэквондочиларимиз 2 та медалга эга чиқди. Футбол, сувга сакраш, камондан отиш ва аёллар кураши дастурларида ҳамюртларимиз Олимпия ўйинларида илк бор иштирок этишди. Катта беллашуларга тайёргарлик жараёнида давлатимиз томонидан терма жамоамиз учун барча шароитлар муҳайё этилди. Гапнинг индаллоси шуки, кейинги йилларда мутлақо янгича асосда бунёд этилган таълим-тарбия, спорт ва маданият масканларида замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистоннинг буюк келажagini ўз куч-қуввати, ақл-заковати билан қурайдиган ёш авлод қамол топмоқда. Улар нуфузли халқаро мусобақаларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаглигини амалда исботлаётгани барчамизни қувонтиради.

АСЛ ҚАҲРАМОНЛАР ШУНДАЙ КУТИБ ОЛИНАДИ!

Спортчиларимизни Олимпиададан олиб қайтаётган самолёт аввал эълон қилинган вақтидан икки соат кеч келиши маълум бўлганда ҳам аэропорту кўчаларга чиққан муҳлислар ортага қайтмагани қувончли ҳодиса эмасми?

...Тун оғабган лаҳзалар. Энг ҳаяжонли дақиқалар. Ғолиблар Тошкентга етиб келишди. Бутун дунё нигоҳи қадалган Париж спорт ареналарида Ўзбекистон доврғини таратган йигит-қизларимиз Ватанимиз байроғини баланд кўтарган ҳолда юртимиз заминига қадам қўйдилар. Миллий наволар тўтти тўрт тарафни, қарнай-сурнай садолари янгради.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Олий Махлус Сенати Раиси Танзила Норбоева, Бош вазир Абдулла Арипов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намойён этиши учун яратилган шароитлар юксак самара бераётганини



ли, – деди Олимпия ўйинлари икки карра ғолиби Улуғбек Рашитов журналистларга берган интервьюсида. – Жонажон Ўзбекистонимиз доимо бизни аъло кайфиятда кутиб олади. Ҳозир қувончдан ўзимга сиғмай кетяпман. Ҳаммаси учун раҳмат! Олимпиада нафақат мен учун, балки бутун терма жамоамиз учун омадли бўлди.

Париж Олимпиадаси ғолибу совриндорлари, иштирокчилари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари махсус автобусларга таклиф этилди. Кўзлари қувончдан порлаётган юртдошларимиз кўчаларни тўлдирди, спортчиларимизни тарихий ғалаба билан қутлашди. Чексиз ифтихорга тўла ҳайқириқлар, олқишларга тўлди тўрт тараф.

"Париж – 2024"да Ватанимиз шаънини муносиб Ҳимоя қилган спортчиларимиз Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига етиб келди. Яна миллий мусиқалар янгради. Ёрқин ғалабалари билан бутун халқимизни хушнуд этган спортчиларимизга Президент совғалари – Chevrolet Tahoe, BYD Song Plus Champion автомобиллари, коттеж-хонадон қалитлари ва аввалдан махсус белгилаб қўйилган пул мукфотлари тантанали равишда топширилди.

Яна бир жиҳат қувонтиради кишини. Тасаввур қил-яписими, ғолиб ва совриндорларнинг аксарияти 20-25 ёшда. Нари борса 30 га кирган. Улар мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, истиқлол даврида бунёд этилган спорт иншоотларида шуғулланган. Ёшларимизнинг ғалабасини кузатар экансиз, таълим-тарбия ва спорт соҳаларида амалга оширилган ишларнинг ёрқин самарасини кўрасиз.

НИМА БИЗГА АМЕРИКА, МАРРАГА ОЗ ҚОЛДИ

Париж олимпиадасининг умумжамоа ҳисобидаги ғолиби АҚШ бўлди: 40 та олтин, 44 та кумуш ва 43 та бронза. Хитой ҳам 40 та олтин кўлга киритган бўлса-да, кумуш медаллар сони бўйича ортада қолди ва иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўринни эса Япония делегацияси банд қилди: 20 та олтин, 12 та кумуш ва 13 та бронза.

Оламга машҳур "Стад де Франс" стадионида Париж олимпиадасининг ёпилиш маросими 30 даража иссиқда бўлиб ўтди. Шунга қарамай, муҳлислар билан тўлди. Трибуналарга 71 500 томошабин келди. Тантанали маросим учун 2024 йилги Олимпия ўйинларида қатнашган 9 минг нафар спортчи ва мураббийлар аренанинг ўзида йиғилди. Ўзбекистон байроғини таэквондочи Улуғбек Рашитов баланд кўтариб олиб ўтди. Унинг ҳаракатларидан ҳали Американи ҳам қувиб ўтамиз, деган ишорани илғаш қийин бўлмади.

Маросимда Париж мэри Анн Ҳидалго Олимпия ўйинлари байроғини Лос-Анжелес мэри Карен Бассга топширди. Боиси, 2028 йилда навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларида айнан шу шаҳар мезбонлик қилади.

ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ МЕДАЛЛАРИ ҲАҚИДА ҚИЗИҚ МАЪЛУМОТ

Барча 5 084 та медалнинг ҳар бирининг марказида махсус рамкага ўралган Эйфель минорасининг олти бурчакли темир парчаси жойлашган. Олимпиада олтин медалининг оғирлиги 529 грамм бўлиб, массасининг 95,4 фоиздан ортиги (505 гр) кумушдир. Медал 6 грамм соф олтин билан қопланган, 18 грами эса темирдан иборат.

Олимпиада олтин медалининг нархи тахминан 950 долларга баҳоланмоқда ва бу ўйинлар тарихидаги энг қimmat медал ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби олтин нархининг рекорд даражада юқорилигидир. Бунгача энг қimmat медал "Лондон – 2012"да қайд этилиб, унинг қиймати 708 долларни ташкил қилган эди. Агар медал соф олтиндан қилинган бўлса, унинг қиймати тахминан 41,16 миң долларга тенг бўларди. Охириги марта соф олтиндан медаллар 1912 йилда Швеция мезбонлик қилган Стокгольм ёзги Олимпия ўйинларида топширилган.

Кумуш медалнинг вазни 525 гр, шундан 507 гр кумуш ва 18 гр темирдир. Унинг қиймати кумуш ва темирнинг ҳозирги нархида тахминан 486 долларни ташкил қилади.

Бронза медалининг оғирлиги 455 грамм бўлиб, 415,15 грамм мис, 21,85 грамм рух ва 18 грамм темирдан иборат. Унинг қиймати тахминан 13 долларни ташкил қилади. Демак, шу рақамларни қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, Ўзбекистон спортчилари жамғарган медаллар нархи қуйидагича: 8 та олтин 7 600 доллар, 2 та кумуш медал 972 доллар, 3 та бронза 39 долларга тенг.

ПРЕЗИДЕНТ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ ЁХУД ҚУВОНЧ ТУФАЙЛИ ЮРАК ХУРУЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кун тартибида қанчалик тизимли бўлмасин, мусобақаларни кузатишга вақт топгани, чемпионларни шахсан телефон қилиб қутлаб тургани спортчиларимиз учун янада кучли мотивация бўлгани аниқ.

Давлатимиз раҳбари аввал Диёра Келдиёровага қўнғироқ қилганида оталарча, расмиётчиликсиз суҳбатлашгани, қизим дея мурожаат қилиши бошқаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ва улар эстафетани муносиб давом эттиришди.

Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида катта сиёсий саммитларда иштирок этаётган пайтларда ҳам спортчиларимиз билан бевосита боғланиб турди. Ҳасанбой Дўсमतовнинг ғалабаси нишонланаётганда хурсандчиликдан юрак хуружи тутган бош мураббий Тўлқин Қиличев кеча Тошкентга қайтиб келгач, айнан давлат раҳбарининг қўнғироқлари йигитларга алоҳида куч, ирода бағишлаганини қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас.

Шавкат Мирзиёев куни кеча иқтисодий таълим билан бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам Ватанимиз шаънини муносиб Ҳимоя қилганлар хусусида афрофилика тўхталиб, спортчиларимизнинг Париж олимпиадасидаги улкан тарихий зафарлари билан бутун халқимизни чин қалбдан табриқлади.

– Токио олимпиадасидан кейин яхши ният билан топ-15 га қирамиз деб, олдимизга катта мақсад қўйган эдик, – деди Президент. – 206 та давлат вакиллари қатнашган мусобақада спортчиларимиз юксак матонат, маҳорат ва ирода кўрсатиб, дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, муслмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Бир йўла 3 нафар спортчимиз "икки карра олимпия чемпиони", деган юксак шарафли номга сазовор бўлди. Бу Янги Ўзбекистон ёшлари нимага қодир эканини бутун дунёга кўрсатиб, уларнинг натижалари тарихимизда зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

Барча спортчиларимиз, уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари Янги Ўзбекистоннинг чинакам қаҳрамонларидир! Улар билан ҳар қанча фахрлансан арзийди, улар бизнинг ғуруримиз.

Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири



спорт ва жисмоний тарбияга тизимли ва пухта ёндашишнинг асосий кўрсаткичи саналашини эсдан чиқармайлик.

ОЛАМШУМУЛ ЮТУҚЛАР ОРТИДА НИМА БОР?

Пешона тери ва астойдил меҳнат. Бирор муваффақият ҳақида гап кетганда шу жумла, албатта, қўлланилади. Чиндан-да бусиз натижага эришиш мушкул. Бироқ ҳар тўрт йилликнинг энг йирик ва энг нуфузли спорт анжумани ҳисобланган Олимпия ўйинларида ғолиб чиқиш учун пешона терининг ўзи камлик қилади. Маҳоратли мураббийлар кўмағида тинимсиз машғулот ўтказиш кифоя эмас. Бунда яратилган шароитлар, маблағлар масаласи ҳукумат даражасида ижобий ҳал этиб борилиши, раҳбарларнинг спортчиларга ғамхўрлик кўрсатиши, кенг жамоатчиликнинг уларни қўллаб-қувватлаб туриши, тажрибали устозларнинг таъсирчан мотивацияси долзарб аҳамият касб этади. Энг муҳими, она Ватанини севмаган, ота юртининг доврғини таратишни хоҳламаган киши чемпион бўла олмайди. Халқнинг номидан майдонга чиққанлар фахрланишни билиши керак. Аслида медал эмас, ор учун талашаётганини ҳис қилиши зарур.

Шукри, Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан спортчи ва мураббийларга яратилган қулай шароитлар туфайли ана шундай авлод етишиб чиқди. Янаям қувончли, бугунги чемпионларимиз ортидан эртага юзлаб болалар эргашади. Улар ҳам шундай чўққини забт этишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Кўзлари ёниб, нигоҳи қатъийлашиб ҳаракатга киришади.

Шу фикримга биргина мисол келтирай: ҳозир бокс қиролларига айланган чарм қўлқоп усталарининг аксарияти Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней олимпиадасидаги оламшумул ютуғидан руҳланиб вояга етган йигитлардир. Қаранг, ушунда бокс бўйича битта олтин олганимизда қанчалик қувонган эдик. Бугун эса у бештага етди. Демак, ордан маълум муддат ўтганидан сўнг янада кўпайиши шубҳасиз.

"Париж – 2024"да мамлакатимиз вакиллари кўплаб янги марраларни эгаллашди. Жумладан, илк бор спортчи

алоҳида таъкидлашди. Халқаро спорт оламида янги саҳифа очган олимпиадачиларимизни юксак ғалабалар билан қутлашди.

Олимпия ўйинларининг икки карра чемпиони Ҳасанбой Дўсमतов ва олтин медал соҳиби Диёра Келдиёрова бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиз ҳамда халқимизга самимий миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни кўлга киритишга ваъда бердилар.

– Ёшларга юксак ишонч билдирадиган, бирор нуфузли мусобақага кетса, тантанали кузатиб, яна байрам қилиб кутиб оладиган мамлакат жаҳонда бармоқ билан саноқ-



O'zLiDeP ФИДОЙИЛАРИ

БИЗНИНГ ҚИШЛОҚДАН ҲАМ ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚАДИ

ДЕЙДИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИ ДИНМУҲАММАД БИМУРЗАЕВ ФАХРУ ИФТИХОР БИЛАН

...Жаксигелди ота хонадониди дунёга келган Динмуҳаммаднинг болалигидан спортга меҳри бошқача эди. Ота-онаси фарзандидаги ушбу иқтидорни эрта илғаб, уни 10 ёшида қўлига топширишди.



Тайёргарлик жараёнидаги кишини ҳолдан тойдирувчи машқлар сабаб, кўплаб тенгқурлари чекинган лаҳзаларда ҳам спортга бўлган айрича муҳаббат Динмуҳаммаднинг муваффақият томон етаклади. Дастлаб туман, сўнгра вилоят миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритган қаҳрамонимиз ниҳоят 1989 йилга келиб, дзюдо бўйича республика чемпионида фахрли биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Динмуҳаммад ушбу муваффақият билан чекланиб қолишни истамади. Бор вужуди билан олий маълумот олишга интилди. 1999 йилда Тошкент давлат аграр университетини тамомлаб, аввал Бўстонлиқ тумани "Абай" ширкат хўжалиги тафтиш комиссияси раиси ўринбосари, кейин эса Юқори Чирчиқ туман машина трактор парк муҳандиси, 2002 йилдан ҳозирги кунга қадар Бўстонлиқдаги "Қанат" фермер

хўжалиги раҳбари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Табиатан фаол Динмуҳаммад Бимурзаев изланувчан ва тиришқоқлиги сабаб элда обрў қозонди.

– Сизнинг ҳозирги муваффақиятингиз аввалги фикрларингиз мевасидир. – дейди Халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани кенгашининг 2-“Қорабой” сайлов округи депутати Динмуҳаммад Бимурзаев. – Чунки менин

дзюдо бўйича жаҳон чемпиони бўлишдек озуим бор эди. Спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун, энг аввало қўлай шарт-шароит керак. Афсуски, ўша пайтлари кишлоғимиздаги спорт залининг ҳолати ҳавас қиладиган даражада эмасди.

Ушундан кўнглимга тугиб қўйган орзуларим бугун бирин-кетин рўёбга чиқиб, амалга оширган ишларим ўз

самарасини бера бошлади. Бундан фақат хурсандман.

Дарҳақиқат, Д. Бимурзаев депутатликка киришган даврда кишлоқдаги спорт залининг аҳоли хароб эди. Бугун эса ушбу тадбиркор-депутатнинг саъй-ҳаракати ва ҳомийлиги остида спорт залида 310 миллион сўмга тенг қийматда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, керакли инвентарлар билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, у худудда спортнинг бошқа турларини ривожлантириш мақсадида, мини-стадион барпо қилиш учун ўз маблағи ҳисобидан 50 миллион сўм миқдорда ҳомийлик ишларини амалга оширди.

Эътиборлиси, ҳозир Абай кишлоғида дзюдочилар сафи кенгайиб бормоқда. Жумладан, 52 килограмм вазн тоифасида Зарина Жамалова Боснияда ўтказилган жаҳон чемпионида фахрли 3-ўринни ҳамда 2024 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионида 1-ўринни қўлга киритган бўлса, 57 килограмм вазн тоифасида Асилхан Аралбаева Олмаотта шахрида ўтказилган Осиё кубоги ғолибаси бўлди.

Албатта, ўзига хос камтарлиги сабабим, бу ҳақда депутатнинг ўзи лом-лим демаган бўлса-да, кишлоқдошларнинг айтишича, бу каби муваффақиятларда, албатта, саҳоватпеша депутат Д. Бимурзаевнинг ҳиссаси катта. Бундан ташқари у ўз сайлов округида кишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантириш масалаларига ҳам доимо бош-қош. Маса-

лан, Динмуҳаммад ака депутатликка сайланганига қадар кишлоқда тоза ичимлик суви муаммо эди. Бу борада унинг тегишли вазирлик ва идораларга бот-бот юборган murojaatlari бе-самар кетмади. Ниҳоят 30 йилдан сўнг кишлоқ худудининг уч жойидан қудуқ қазилиб, тоза сув чиқарилди. Яна шу баҳонада 6 километрик масофада қувурлар ётқизибли, деярли барча хонадонларга ичимлик суви жумраклари ўрнатиб берилди.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз саъй-ҳаракати туфайли қаҳрамонимиз яшаётган бу кишлоқда жами 12 километрик кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилиб, 10 километрдан зиёд ички йўлларга асфальт ётқизилди. Шу билан бирга нишаб адирликда жойлашган янги қабристонга олиб борувчи 3,5 километрик йўл таъмирланиб, асфальтланди. 160 ўринли янги мактабга таълим муассасаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, сал кам 13 минг аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган кишлоқ врачлик пунктнинг қурилиш ишлари ўз ниҳоясига етиш арафасида.

Қайд этиш жоизки, шу худуддаги учта маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ишсиз аҳолини доимий иш билан таъминлаш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Биргина мисол, шу депутатнинг елиб-югуришлари туфайли 100 нафардан ортиқ фуқаро ишли бўлди. Бу ердаги ишсизлар асосан ўзини ўзи банд қилишнинг чорвачилик йўналиши билан

шуғулланиб, шахсий даромадга эга бўлишмоқда.

Динмуҳаммад ака раҳбарлик қилаётган чорвачилик йўналишига ихтисослашган "Қанат" фермер хўжалиги ҳисобидан жами 350 гектар лалми ер майдони мавжуд. Қўй-эчкиларнинг сони қарийб 1 500 бошни ташкил этадиган бу хўжалиқда жами 10 нафар фуқаро доимий иш билан банд қилинган бўлса, ёз мавсумида ишчилар сони 20-30 нафаргача етади.

Тадбиркор-депутат мунтазам равишда ўзи сайланган худуд аҳолиси, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар билан учрашади, фикрлашади. Билдирилган барча таклиф ва murojaatlari асосида муаммоларга ечим излайди.

Ёшларни маънан етук ва жисмонан соғлом камолга етказиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келаётган депутатнинг келгусидаги режалари улкан. У Париж Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилар орасида биринчи олтин медални қўлга киритган дзюдочимиз Диёра Келдиёрованинг беллашуварини кўриб дунёга сийма кетганини тўлқинланиб сўзлаб берди, бизга. Ва насиб этса 2028 йил АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ўйинларида қадрдон кишлоғининг дзюдочи қизлари, албатта, чемпион бўлади, деб ишонади.

Абдулла ХОЛБУТА ЎЎЛИ,
"XXI asr" мухбири

ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024

ЭРТА ТОНГДАН ШОМГАЧА ТИНМАЙДИГАН АЁЛЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР



O'zLiDeP томонидан

анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг Чилонзор туман босқичи бўлиб ўтди. Унда маҳаллалар саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган тадбиркор ва хунармандлар иштирок этишди.

Танловда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари Мавлуда Хўжаева, Гулшана Худоёрова ва партия Тошкент шаҳар кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Назира Исроилова давлатимиз томонидан соҳага берилётган эътибор натижаси ўлароқ кичик бизнес ва хусусий сектор ривожига хотин-қизлар улуши ўсиб бораёт-

ганини эътироф этиб, барчага омад тилашди. Мазкур танловдан асосий мақсад бугуннинг замонавий тадбиркор аёли қиёфасини яратиш эканини таъкидлашди.

Шундан сўнг ҳайъат аъзолари катта шижоат ва улкан мақсадлар билан ғалабани кўзлаб, иштирок этаётган тадбиркор аёлларнинг ишларини, кўрғазмада эълон қилган маҳсулотларини баҳолашни бошлаб юборишди. "Замонавий ташаббускор аёл", "Йилнинг муруватли ишбилармон аёли", "Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл", "Энг ёш, фаол аёл тадбиркор" каби номинациялар ҳамда асосий ўринлар эгалари аниқланди.

Унга кўра 3-ўринга Шаҳзода Қиличева ва Муборак Бозорова муносиб топилди. Шаҳзода "Azalias collection" бренди остида дастурхон, сочик, чойшаблар тикади. 20 дан ортиқ аёлни иш билан таъминлаган. Миллий каштачилик, мато ва сумкаларга безак беришда эса Муборак Бозоровага тенг келадигани йўқ.

2-ўринга эса эшик ва ромларнинг деразасига, шифтларга нақш, гул солиш билан

шуғулланувчи тадбиркор аёл Зумрад Тўраҳўжаева лойиқ кўрилди. Унинг асарларига талаб юқори, айниқса номдор мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар ундан нақш солинган материалларни сотиб олади.

Кўрик-танловнинг фахрли 1-ўринига Фотима Курбанова танлангани бежиз эмас. У ташкил этган хунармандчилик марказларида ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари аёллар учун маҳорат дарслари ташкил этилади. 3 минг шогирди бор. 25 нафар иш ўрнига эга. Шунингдек, "Yantextile Fotima" бренди билан Бирлашган Араб Амирликлари, Корея, АҚШ, Швецияга маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Танловнинг Юнусобод туман босқичида 16 нафар тадбиркор аёл ғолиблик учун курашди. Натижаларга кўра 3-ўринга қўтилар тўқиш билан шуғулланувчи Робия Ақромова лойиқ кўрилди. У 10 нафар ишчиси билан бирга бир кунда 30 та маҳсулотни тўқиби, тайёр



ҳолга келтиради. "Лалихон" тикув цехи раҳбари Лалихон Буронбоева ҳам шохсупанинг 3-поғонасини банд этди. Ногиронлиги бўлган ишсиз аёлларни бандлигини таъминлаган Лалихон чеварларнинг чевари. Ҳозирда 10 дан ортиқ ишчиси бор, уларнинг сафини келгусида 20 нафарга етказмоқчи.

"Аэртех" МЧЖ раҳбари Мадина Атаметова 30 иш ўрни яратган. Корхонасида махсус кийимлар тикилади, Осиё давлатларида экспортни йўлга қўйган Мадина 2-ўринни банд қилди.

1-поғонани қандолат маҳсулотлари

ишлаб чиқаришга мўлжалланган "SHOH_SWEETS" МЧЖ раҳбари Гулбахор Қодирова забт этди. "SHOH_SWEETS" нинг тортларини ширинликлари, ярим тайёр маҳсулотлари жуда харидорғир. Маҳалладаги 30 га яқин аёлни ишсизликдан ҳимоялапти, бу ишлаб чиқариш маскани.

Тадбир сўнггида ғолиблар ва фаол иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари, диплом ва ташаккурномалари топширилди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
маътуф хизмати

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ



Сўлим Зомин шаҳарчасининг "Нуронийлар" дам олиш масканида "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг туман босқичи кўтаринки кайфиятда бошланди. Ташриф буюрганлар дастлаб ишбилармон аёлларнинг фаолиятини акс эттирган кўрғазмаси билан танишди.

Тадким этилган хунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик, тикувчилик ва бошқа йўналишлардаги ишларни баҳолаш ҳакамлар ҳайъатига ҳам осон бўлмади.

– Биз кишлоқ аёлларининг бандлигини таъминлаш ҳақида кўп гапирмиш, бироқ уларни ишсиз дейиш мантқиқан нотўғри, – дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Саида Умаралиева. – Танлов иштирокчиларининг аксарияти кишлоқда истиқомат қилади, эрта тонгдан қош қорайгун-



ча рўзғор ташвиши билан тинмайди. Ана шу ташвишларидан ортиб, яна бизнесини йўлга қўйган, оиласи фаровонлигини таъминлаётган, маҳалладошларининг бандлигини таъ-

минлашга ҳисса қўшаётган аёлларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак кам. Беллашув ана шундай қаҳрамонларни кашф қилишда катта аҳамиятга эга.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири



САЁҲАТНОМА

Шарқий Туркистон марваридлари



Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси ўзбекистонлик олим ва журналистлар учун Шинжон-Уйғур автоном районунига бир ҳафталик пресс-тур ташкил қилди. Сафаримиз минтақанинг маъмурий маркази – Урумчи шаҳридан бошланди.

Бугунги кунда Шинжон Хитойнинг энг муҳим сайёҳлик марказларидан бирига айланган. Ноёб меъморий ёдгорликларни кўрмоқ учун бу ерга бутун дунёдан меҳмонлар келишади. Масалан, Такламакан чўли орқали карвон йўллари бўйлаб саёҳат ўрта асрлар Шарқ атмосферасига шўнғиш имконини беради. Шу билан бирга, замонавий меъморчилик ва инфратузилмага эга Урумчи йирик мегаполисга айланган. Осмонўпар бинолар, йирик корхоналар, гўзал меҳмонхоналар ва шаҳарнинг гўзал табияти сайёҳларни ўзига ром қилади. Шаҳар режалаштириш музейида минтақанинг тараққиёт тарихи билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни олдиқ. Урумчи шунчаки бўйига ўсиб, энига кенгайиб бораётган шаҳар эмас. Кўплаб мегаполисларда кузатиладиган транспорт тирбандликлари, жамоат транспортдаги муаммолар туфайли бекатларда йўловчиларнинг кўпчилиги бу ерда кўзга ташланмайди. Сув ва электр таъминотида ҳам нуқсонлар йўқлиги айтилади. Шаҳарнинг ривожланишига илмий ёндашилган – ҳаммаси аниқ режалаштирилган.

Ўзбекистонлик журналистлар терроризм ва радикаллашувга қарши курашга бағишланган кўрғазмага ҳам боришди. Шинжон университетининг қўшиқдаги Шинжон масалаларини ўрганиш институтида мутахассислар билан қизиқарли суҳбат ташкиллаштирилди. Ўзбекистон-Хитой савдосининг қарийб ўн фоизи Шинжон-Уйғур автоном районуни хиссасига тўғри келади. Ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳалари портфели 3,5 млрд долларни ташкил этади. Шу маънода минтақани икки давлат ҳамкорлигининг дарвозаси десак янглишмаймиз.

қурилган. Таҳлилчилар бозорга баҳо беришганида “Хитой ва Марказий Осиё маданиятларининг Ислам меъморчилиги ва замонавийлик билан ўзига хос аралашмаси” эканини таъкидлашади. Бизга айтишларича, бу ерда Хитойда истиқомат қилувчи 56 та миллат ошхоналари хос таомларни татиб кўришингиз мумкин.

Бозорни тунда томоша қилиш янада завқли. Турли рангдаги чиқоқлар ёқилиб, маҳаллий этник кўшиқ ва рақслар ижро этилади. Кўпчилик сайёҳлар уйғур таомларини, айниқса, тандир нонини (“муҳаббат нони” дейилади) татиб кўриш учун ҳам Урумчига ошпаққа. Бунинг ўзи алоҳида маросим десак янглишмаймиз. Аввалига меҳмонни ўзимизга ўхшаб дастурхон ёнига ўтқазилади, сўнг чой олиб келишади. Гастрономик туризмга қизиққан сайёҳлар Катта бозордан мамнун бўлиб чиқишлари аниқ.

Гуанчжоу шаҳрида жойлашган “GAC Group” (Guangzhou Automobile Group Co., Ltd.) автомобилсозлик компаниясининг Урумчидagi филиалига уюштирилган экскурсия жуда қизиқарли бўлди. Шинжон санъат институти ва “ASIA Csanop” компаниясига ташриф ҳам мароқли ўтди.

Халқимиз мумтоз мусиқани қадрлайди. Мақом ўзбек ва тожик халқларида бир хил шу номда, Озарбайжонда – муғом, Эронда – нуба, уйғурларда – муқом деб юритилади. Табиийки, асрий оҳангларимизнинг илдизи муштарак, фақатгина айрим фарқлар ва ўзига хосликлар мавжуд. Уйғур мақоми ижросида гўзал қочиримларга эътибор кучлироқ эканини сездик. Вань Туншу номидagi “Ун икки муқом” кўрғазмалар залида ана шундай дилрабо наволардан яна бир бор баҳраманд бўлдик. Урумчида 2010 йили замонавий



Шинжон-Уйғур автоном району ўтган йили хавфсиз сайёҳлик маскани сифатида рекорд даражада, яъни 265 миллион кишини қабул қилибди (солиштириш учун: 2012 йили бу кўрсаткич 48,6 миллион бўлган). Таҳлилчиларнинг фикрича, сайёҳлар назарида Шинжон жамоат тартибини мукамал бошқариш ва хавфсиз ижтимоий муҳитга эга ҳудудга айланган. Минтақа аэропортларида йўловчи ташиш ҳажми ўтган йили биринчи марта 40 миллиондан ошган.

Сафаримиз дастури ўта қизиқарли тузилгани боис Урумчида икки кун қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик... Бир соатлик парвоздан кейин 100 кишилик самолётимиз бепоеън дала ўртасидаги мўъжаз аэродромга қўнди. Бизларни Или-Қозоқ автоном вилояти ташқи ишлар бошқармаси ходимлари кутиб олишди.

“Нарат” (мўғул тилида “қўёш билан ёритилган жой” деган маънони англатган экан) дашт ландшафт зонаси Хитойнинг олтига энг гўзал даштларидан бири бўлиб, 2011 йил январь ойида давлат тоифасидаги 5А сайёҳлик ҳудуди мақомини олган экан. Бизларни Нарат тоғларининг шимолий қисми (Тяншань тоғ тизмаси)да жойлашган “Нарат” миллий ландшафт боғига олиб боришди. Кўплаб чет эл мамлакатларида бўлганман, аммо бунақа гўзал ва сўлим манзарани кўрмаганман. Урмон боғи арчазорлар негизда яратилган. Парк ходимларининг сўзларига кўра, арча экилган майдон 10 гектардан ортиқ.

Хорғос (Қорғаш) уездининг шафтолизор қишлоғидаги меҳмон уйлари бориб кўрдик. Сўнг Чжунхуа Фушуншань табиат боғига ўтдик. Бу ердаги манзаралар одамга хуш кайфият бағишлайди.

Ҳа, айтганча аэродромдан Нарат водийси томон келар эканмиз, йўлбошловчилардан ўзбеклар яшайдиган масканлар ҳақида сўрадик. Улар йўлда Қорасув қишлоғи борлигини, у ерда фақат ўзбеклар истиқомат қилишини билдиришди. Айтишларича, ҳукумат кам сонли аҳоли ўзлари учун миллий рўхда иморатлар қуриши учун бюджетдан маблағ ажратар экан. Буни биз Қорасув қишлоғидан ўтиб кетаётганимизда (афсус, вақт тинғиз бўлгани боис тўхтаётганимиз) ўз кўзимиз билан кўрдик. Узимизнинг ўтган аср 20-30 йилларидаги уйлари эслатиб юборди (“Уткан кунлар” фильмида акс этган).

Кун бўйи табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиб, Или-Қозоқ автоном вилоятининг маъмурий маркази – Ғулжа (уйғурча номи) ёки

Инин (хитойча номи) шаҳрига кечкурун кириб келдик. Шаҳар марказида “Олти юлдуз” кўчаси бор. 2010 йили ШУАР Халқ ҳукумати қарори билан шу ном берилган. Айни дамда бу ерда бешта тарихий бино ва битта муниципал бўлима жойлашган бўлиб, улар маданий мерос обидаси сифатида муҳофазга қилинади.

Ўзбекистонлик журналистлар Ғулжанинг эски шаҳар қисмидаги “Қозончи” туристик зонасида ҳам бўлишди. Ёрқин ва шовқинли тарихий кўчалар бўйлаб юрар экансиз, беихтиёр уйларнинг меъморий хусусиятларига эътибор қаратасиз. Ҳаёт ва рангларга тўла дўконлар диққатингизни тартади. Хушбўй ҳидлари аниқиб турган таомлар ўзига чорлайди, ажойиб мусиқадан кўнгил чоғ бўлади. Тош уйлар сизни ўтмишга элтади... Қадимий маҳаллада Цин сулоласи ҳукмдорлигидан то шу бугунгача бўлган даврга оид 300 дан ортиқ қадимий иншоот асл ҳолича сақланган. Турли миллат ва элатларнинг номодий маданий мероси билан танишиш имконияти яратилган. Бу, ўз навбатида, 3 000 дан ортиқ кишининг иш билан таъминланишига сабаб бўлганини мезбонлар фахр билан таъкидлашди.

Хитой меъморчилиги асосида 1741-1761 йиллари барпо қилинган Шанси жомеъ масжиди, қадимий сўлим карвонсаройда фаолият юритаятган Улкашунослик музейи ҳам сафардошларимизда унутилмас таассуротлар қолдирди...

...Қашқар (Қошғар) шаҳри деярли ҳар томондан тоғлар билан ўралган. Иқлими нисбатан қуруқ, аммо ушбу воҳа Шинжонда энг серҳўши жойлардан ҳисобланади. Қашқар ўрта асрларда Буюк ипак йўлидаги энг муҳим савдо нуқтаси бўлиб, бу ердан карвонлар ғарбга (Фарғона водийсига), жанубга (Қашмирга), жануби-шарққа (Хўтонга) ва шимоли-шарққа (Турфонга) борган. Ҳозир ҳам Қашқар Шинжоннинг маданий пойтахти ҳисобланади. Шаҳарнинг ҳар бир бурчаги, ҳар бир кўчаси тарихга бой. Шинжоннинг бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Қашқар аънавий мусулмон меъморчилиги ва диний обидаларнинг кўпчилиги билан ажралади туради. Бу ерга туркий халқлар адибатиининг улғу вакили Юсуф Хос Ҳожиб дафн қилинган.

Йидғоқ Жомеъ масжиди шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларидан бўлиб, жума кунлари бу ерда ўн мингга яқин киши намоз ўқийди. Хитойдаги энг йирик масжид сифатида мусулмонлар учун ўзига хос қадамжого айланган. Зиёрат қилишга арзийди ҳам-да! Нақ

1442 йили Марказий Осиё меъморчилиги услубида қурилган (пойдевор янада кўҳна экани айтилди). Ҳозирда шаҳарнинг марказий майдонида жойлашган масжид – умумий майдони 1,6 гектар бўлган ансамблининг бир қисми саналади. Таъкидлашни истардим, Хитойдаги масжидлар боғлари билан ажралади туради. Бир неча асрлар давомида боғбонлар энг ноёб, энг чиройли ва хушбўй усимликлар ва дархатларни тўпашган.

Эски шаҳар асосан уйғур маҳаллаларидан иборат. Уйлар паст – икки-уч қават бўлиб, кўпинча биринчи қаватда дўкон ёки устакхона жойлашади. Кўчалар тор, шунинг учун деворлар бир-бирига ва ўтқиңчиларга соя солади. Майдонлардаги қадимий дархатлар остида кексалар дам олади, қушларнинг хоншини тинглайди, чой ичади ва шахмат, домино ўйнайдилар...

Навбатдаги манзил Янгисар уезида жойлашган Дорбозлар мактаби бўлди. Йигит-қизларнинг дор уйларини кўриб, ғоят ҳаяжонландик, завқландик. Қашқарга борганда, албатта, шаҳар яқинида жойлашган Янгисар уезидаги кулполчида ва пичқозлар қишлоқларига боришни унутманг. Бу ерда ҳар йили минглаб сайёҳлар хунармандларнинг иш жараёнини кузатиш учун келишади. Сиз кўйма қилиш учун металл қандай қиздирилётганини, қандай қилиб болгалар зарби қизиган темирни юмалоқлашни кўришингиз мумкин. Кулполчилик устакхонасида эса кулол ёғи билан чархни айлантиради ва оддийгина лой бўлаги тебраниб, кўз ўнгингизда гўзал идиш ҳосил бўлади. Қишлоқ кўчаларидаги ариқларда сувлар оқшини кўриш ҳам кишига завқ бағишлайди. Ҳатто кун заҳирасида ҳам маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар чойхоналар атрофидаги, ҳовузлар устидаги сўриларда ўтиришади.

Шинжон мевалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан узум, қовун, нок, пахта, будғой, ипак, ёнғоқ ва қўйлар билан машхур. Хитойнинг 90 фоиз, дунёнинг 20 фоиз пахтаси шу минтақада етиштирилади. Ҳосилнинг 80 фоиздан ортиғи машиналар томонидан йиғиб олинади. Пресс-тур дастури сўнгида Кўҳнашаҳар (Шуфу) уези пахтазорларида ҳам бўлиб, деҳқонлар фаолияти билан танишдик.

Энг охириги манзилимиз шу шаҳардаги Миллий мусиқа асбоблари музейи бўлди. Катталиги бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган тор, дутор, танбур, рубоб, доира каби мусиқа асбобларини кўриш мумкин. Халқ чолғулари ижросида мусиқа тинглаш ва қўшиқ эшитиш имконияти яратилган. Илтимосимизга биноан санъаткорлар уйғурча “Гулолим” кўшиғини куйлаб беришди.

Шинжон-Уйғур автоном районунига қилинган етти кунлик сафаримиз қарибди. Минтақанинг шаҳар ва қишлоқларида одамларнинг ўзлари озодликка катта эътибор қаратишар экан. Бирор жойда чиқинди қолдиқлари кўзга ташланмайди. Баклажаклар туғул, pista пўчоғини учратмайсиз. Урумчи, Ғулжа, Қашқар йўллари текис, равон. Кўчалари топ-тоза. Хизмат кўрсатиш аъло даражада. Айтганча, Қашқар кўчаларида келин-куёвнинг автомобилларини кўриб қолдик. Гул, гилам ва тасмалар билан безатилган тўй қарвонининг бошида кетаётган энгил машиналарнинг юкхонасида сурнайчи ва ноғорачилар ўтириб олиб, миллий куйларни ижро қилиб борар экан. Бу жараён ҳам бизга она юртимизни эслатиб қўйди...

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
Тошкент – Шинжон-Уйғур – Тошкент



Урумчига борган сайёҳ Эрдаоцяо бозорига кирмасдан қайтмайди. Хитой тилидан таржима қилинганда “Катта бозор” деган маънони англатади. Бу бежиз эмас, чунки нафтақот ШУАРдаги, балки Хитойдаги энг катта бозор дея тан олинган. Унинг тарихи 130 йилга бориб тақалади. Қайта таъмирланиб, 2003 йил июнь ойида расман очилган. Икки ёпиқ павильондан бири мусулмон меъморчилиги руҳида

ва аънавий уйғур меъморчилиги усулида Шинжон “Муқом” бадий театри биноси қуриб фойдаланишга топширилган. Бу ерда ўтган асрнинг 80 йилларида ташкил топган “Муқом” ансамбли фаолият юритади. Ижодий жамоа 2005 йили ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мақом санъатини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

БУНЁДКОРЛИК

ЎҚИ, ЎРГАН ВА ИЛМ ОЛ

Янги ва замонавий мактаблар ўқувчиларини кутяпти

Янги ўқув йилида жонаҳон мактабига келсангу танимай қолсанг: эски бино ўрнида яп-янги, ўзгача кўринишдагиси турса. Ўқиш, иш ва турар жойларнинг шинам, покиза ва замонавийлиги инсонга завқ, юқори кайфият беради-да!



Олмалиқ шаҳридаги 16-мактаб ўқувчилари ҳадемай ана шундай ҳайратни туйишади. Ушбу мактаб кам сўғимли бўлгани боис, ўқувчилар икки сменада бўлинган ҳолда дарсга келишга мажбур бўлишарди. Энди ундай бўлмайди. 960 ўринли ушбу таълим маскани мукамал таъмирланди ва яна қўшимча 660 ўринли ўқув биноси барпо қилинди.

Бу ишларни Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси буюртмасига кўра моҳир курувчи Илҳом Юсуфов бошчилигидаги “Ризо” масъулияти чекланган жамиятининг жонкуяр бинокорлари бажаришди.

Аҳил жамоа аъзолари ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятининг Термиш шаҳрида мамлакатимизда ягона бўлган “Тиббиёт кластери”ни бунёд этишмоқда. Кластер қарийб 86 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳаси асосида, икки йил давомида босқичма-босқич қуриб битказилди. Айни дамда жиҳозлаш ишлари якунланмоқда. Эътиборлиси, бу ерда диагностика, 300 ўринли даволаш, жонлантириш, замонавий жарроҳлик бўлимлари ва талабаларнинг малака ошириши учун 150 ўринли ўқув бўлими мавжуд.

Сурхондарё вилоятида ҳам ўқув масканлари дастур доирасида ре-

конструкция қилиняпти ва янгилари барпо этиляпти. Мисол учун, Шўрчи туманидаги Бўстон маҳалласидаги анчайин абгор ҳолатга келган 3-мактаб ўрнига 990 ўринли янги ўқув биноси барпо қилинмоқда. Уни “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг” компанияси вилоят бўлими буюртмачилигида кўли гул курувчи Боҳодир Бобоев раҳбарлигидаги “Биофас агро сервис” МЧЖ аъзолари барпо қилишмоқда. Қурилишнинг барча босқичи архитектура меъёрлари асосида бажарилмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” муҳбири
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди
Хизматлар лицензияланган.



Суратда: (чапдан) “Биофас агро сервис” МЧЖ иш юритувчилари Шерали Назиров, Урал Ахматов ва техник назоратчи Улғубек Жўраев

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ!



Баҳодирнинг кўз ёшлари

ОРТИДА ВАТАН, ХАЛҚ, МИЛЛАТ ШАЪНИ, ОРИ, ИФТИХОРИ БОР ЭДИ!

Бугун Ўзбекистоннинг исталган бурчагида Мухаммад, Алишеру Бобур, Алпомишу Барчиной, Улуғбеғу Жалолиддин, Абдуллаю Эркин, Шералию Комижон, Исламжону Шавкатбек, Зулфияю Лолахон... ва яна ўнлаб, юзлаб табаррук зотлар исмлари кўйилган минглаб оилалар борлигига шубҳа йўқ. Кейинги тарихий ўн йилликларда эса Баҳодир, Диёра, Ҳасанбой, Абдумалик, Асадхўжа, Акбарлар сафи кенгайиб бораётганига гувоҳимиз.

Баҳодир ЖАЛОЛОВ...

Бундан бир ойгина бурун навқирон ўттиз ёшини нишонлаган сурхонлик алп ўғлоннинг номини бугун олис Африка қитъасидан тортиб, океан ортидаги миллиардернинг неварасиям яхши билади, танийди.

Ким айтади, балки бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббий, Париж – 2024 Олимпиадасининг ҳақиқий қаҳрамонларидан бири Тўлқин Қиличев **“Баҳодир – терминатор! Бунинг ортида мамлакатимиз шаъни, манфаати турибди”** дея башорат қилганида энгилмас шоғирдиннинг кечаги тарихий ғалабасини олдиндан кўргандир. Не бўлганда ҳам Баҳодир ҳақиқий баҳодирона юришини дунёнинг энг юксак аренасида ҳам мардона давом эттира олди.

...Париж – 2024. 11 август. Бокс кечаси. Сўнгги финал учрашувида ўзбекистонлик Баҳодир Жалолов ва испаниялик Аюб Гадфа рингга кўтарилди.

...Шанбадан яқшанбага ўтар кечаси эди ўша куни. Сафардан машинада қайтаётганим. Йўл азобини биласиз. Йўлларимиз эса... қандайлигини шундай фараҳли лаҳзаларда айтиб, дoston қилиб ўтиришим шарт эмас. Хуллас, Баҳодирнинг сўнгги ҳал қилувчи жангини кўриш иштиёқи баланд келди: Самарқанддан Жиззах ҳудудига ўтиш жойидаги поства яқинлашаётиб соатимга қарадим: уч дақиқа вақт қолди! Шартта машинани тўхтатдим-у, йўлнинг қарама-қарши тарафида янги очилган чойхонага югуриб ўтдим. Шоша-пиша: “Телевизорларнинг борми, ишқилиб?” деб сўрадим хизматчилардан. Ҳалиги бола довдираб қолди ва “Анави хонада бир тўда одамлар кутиб ўтирибди”, деб жавоб қилди. Ичқарига кирсам, юз чоғли киши шовқин солиб ётибди. Кафе эгаларидан булса керак, бирови: “Ҳой, оғайнилар, би-

ламан, ҳамма Баҳодир ютсин-да, деб дуо қилапти. Лекин, илтимос, бизниям ўйланглар, ул-бул нарса буюртма қилинглр, куруқ томошага қорин тўярмиди?” дейди. Мухлисларга назар соламан. Деярли кўпчилиги менга ўхшаган ўткинчи йўловчилар, “далънобойиш”лариям бор орасида, аммо ким бўлмасин, шунча одамни битта Баҳодир Жалолов деган паҳлавон йигит экан қаршисига “михлаб кўйибди!” Хайриятки, Олимпия ўйинлари қондасига кўра, боксчилар уч раунд тушишпти. Аксинча, нё-не умидлар билан катта трасса устида чойхона очган манави тадбиркор касодга учраши ҳеч гапмас-да.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уч раунд нақ уч йилга чўзилди гўё. Алла-маҳалгача киприк қоқмай турган бизга ўхшаган неча миллионлаб қорақўзлар (улар орасида нафақат ўзбекистонлик, балки бутун дунёдаги Баҳодир Жалолов номини эшитса, юраги ҳаприқиб кетгучи мухлислар ҳам борлигини унутмайлик) кутаётган сўнгги бонг чалинди ва... Ўзбекистон вакилининг кўли баланд кўтарилди!

Энди тасаввур қилиясизми? Юртимнинг чекка бир гўшасидаги муъжазгина ошхонада портлаган ғалаба ҳайқириқлари бутун дунёни тутганига шубҳам йўқ эди ўша лаҳза! Беш-бегона одамлар бир-биримизни кучоқлаб, табриклаганга тушдик. Қарасам, соқоллари ўсиб кетган ё эронлик, ё туркиялик ҳайдовчидир, билмадим, ўзга лисонда “Баҳадур, чемпион, Ўзбекистон” дея кўлимни маҳкам сиқиб кутлай кетди!

Ҳаётда ҳам, спортда ҳам бирор бир ҒАЛАБА ҳеч қачон осмондан тушмайди, осонликча қўлга киритилмайди ҳам. Жумладан, чин маънодаги Ватан қаҳрамони Баҳодир Жалоловнинг икки карра Олимпиада чемпиони деган юксак ва шарафли унвон соҳи-

би бўлгани тасодиф эмаслигини вақт кўрсатди, куч-ирода кўрсатди.

Уша тунда пойтахтга қайтпман-у, бутун ўй-хаёлим Баҳодирнинг жигаргўшаларида. Айниқса, мунис онаизори Сабоҳат опа дунёга сиғмай кетгандир. Яна...

Бундан уч йил аввал афсонавий боксчимизнинг “Дарё” сайтига берган интервьюсидаги юракларни жунбушга келтиргучилар ушбу маҳзун хотиралари эсимга тушди: “Ҳар бир мусобақада кўзимдан ёш чиқади, чунки отамни кўп эслайман. Қанийди, отам шу ютуқларимни кўрса. Хонага қамалиб олиб, хаёлан галлашаман. Отасизлик қандай бўлишини отаси йўқлар тушунади. Футболчи жуда яхши ўйнардим. Тошкент, Қашқадарё академияларидан таклифлар бўлган. Лекин раҳматли отам футболчи бўлишимни хоҳламаган. Отам учун бокс спорт турини танлаганман. Менга тўғри йўл кўрсатгани учун миннатдорман...”

Мана, сизга тенгсиз ғалабалар сири, синоати қаерда экан? Кўрпясизми? Инсон қаердан, кимдан куч олади? Кўп кузатганимиз, Баҳодир ҳар доим жангга қираётган ва баҳс ниҳоясига етганидан сўнг ҳам, ҳаваскор боксда, профессионалда, барибир, Яратганга илтижо қилади, мадад сўрайди. Кейин эса мухлисларига қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилади. Буларнинг бари у улғайган оиладаги тарбия, миллий қадриятлар қон-қонига сингиб кетгани исботидир.

Бугун нафақат Осиё, балки бутун дунё рейтингда ҳам Баҳодир Жалоловнинг обрўси, нуфузи энг юқори поғонада турибди. Эришган муваффақиятларининг адоги йўқ: икки карра Олимпиада чемпиони экани, Президентимиз томонидан бундан икки йил олдин “Баҳодир Жалолов номидаги боксга ихтисослаштирилган спорт мактаби” ташкил этилгани, ҳамма-ҳаммаси мамлакатимизда бу соҳада катта ислохотлар рўй бераётганини қайта-қайта тасдиқлайди.

Этибор бердингизми, Президент Париж Олимпиадаси ғолиб ва совриндорлари билан мулоқот қилаётганида Баҳодир Жалолов ўзининг мактабидан икки нафар шоғирдин Осиё чемпионати бораётганини

фахрлини айтди. Бу бежиз эмас, албатта. Эртага битта Баҳодирнинг ортидан ўнта, юзта баҳодирлар келишига ишонгани учун шундай деди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Боксчимиз Олимпиада чемпиони бўлган, сўнгги қарорини ҳам яшириб ўтирмади: яъни ҳаваскор боксдан профессионалга ўтганини маълум қилди. Олимпиададаги сўнгги жангдан кейин либосини ечиб, рингга қолдирди!

Аслида-чи? Баҳодир профессионал боксда ҳам аллақачон танилиб улгурган: 14 жанг = 14 нокаут = 14 ғалаба!

Куни кеча Париждан қайтиб келганидаёқ Баҳодир жиддий ваъда берди: “...профи боксда ҳам мутлақ жаҳон чемпиони бўламан ва халқимнинг, Президентимнинг ишончини оқлайман!”

Баҳодир Жалолов “Токио – 2020” Олимпиадасида чемпион бўлганида унинг волида муҳтарамаси Сабоҳат Жалолова айтган ушбу сўзларни қайта-қайта эслайман: “Шунга амин бўлдимки, Баҳодиржон фақатгина менинг эмас, бутун Ўзбекистоннинг фарзандига айланиб бўлган экан. Кечадан бери бутун халқимиз унинг жангини кўзда ёш билан томоша қилибди. Уларга ўз миннатдорлигини билдираман, ўғлимни шу даражага жонқур халқимизнинг дуолари олиб чиқди, барчага раҳмат!”

“Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим!” деганида аллома шоиримиз минг карра ҳақлиги кўп бора исботланди. Албатта, Ватанга содиқлик, халқсеварлик тилда айтилгани билан дилга ўрнашмасе қийин. Шу маънода Баҳодирнинг ҳар бир ғалабаси, рингда овоз Ўзбекистон байроғини ўпиб, сарбаланд кўтариб, мадҳиямизни куйлаганча тўқатган севинч кўз ёшлари ортида улуғ халқнинг куч-қудрати, ор-номуси, ўлмас ғурури турибди.

Баҳодир Жалолов Янги Ўзбекистон тарихининг ўчмас зарварақлари ўзининг шарафли ва ўлмас номини ёзиб қўйди! Унинг ортидан эса яна минглаб издошлари келаётир!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ИФТИХОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛАБАСИ БУ!

Ғайрат МАЖИД



Баҳодир Жалолов
ва барча Олимпиада иштирокчиларига
бағишлов

Баҳодир – зўр паҳлавон, қалби сўнмас чўғлидир,
Полвон эл, Ватанимнинг асл полвон ўғлидир,
Юрт байроғин баландда тутган ғолиб – туғлидир,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

Беш қитъани лол этди, мушт бўлиб беш бармоғи,
Ёв энди юрак ютиб қийин қарши бормоғи,
Асрларга татийди бу олтиннинг салмоғи,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

Мамлакат Эгасининг муддаоси, матлаби –
Яшасин ҳар ўғил-қиз сор каби, бургут каби,
Чемпионлар мактаби – Баҳодирнинг мактаби,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

Баракалла, жаҳоннинг икки бор чемпиони,
Икки минг бор юксалди, Ватан, миллатнинг шони,
Янгради мадҳиямиз – ўзбекнинг куй-забони,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

Шубҳасиз, Эверестдан Олимп чўққиси юксак,
Бўлар экан-ку, мана, чўққига туғни тиксак,
Эл олдига қуёшдек ёруғ юз билан чиқсак,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу.

Алпомишга баробар, ҳам қадди, ҳам келбати
Алпомишнинг ўзидек шиддати, салобати,
Олимп тоғидан боқди Ўзбекистон давлати,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

Баҳодир – зўр паҳлавон, қалби сўнмас чўғлидир,
Полвон эл, Ватанимнинг асл полвон ўғлидир,
Юрт байроғин сарбаланд тутган ғолиб – туғлидир,
Ўзбекнинг жаҳон узра қутлуғ мартабаси бу,
Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаси бу!

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партия
Сиёсий Кенгаши аъзоси, ЎФА вице-президенти
Равшан Эрматовга отаси – иқтидорли спортчиларни
тайёрлаган, ҳакамлик ва назоратчилик
фаолияти билан ўзбек футболри ривожига ҳисса қўшган
Сайфиддин ЭРМАТОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожиддин САЙИДИ
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 845
Адади: 5101
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:40

Тахририятга келган кўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.
Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ